*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,
**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

2012 йил 23 март, жума,
**12 (436)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



# БУНЁДКОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

**АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**
**МУҲТАРАМ МЕҲМОНЛАР!**

ТАБИАТ УЙҒОНИБ, БАҲОР НАФАСИ ТОБОРА КУЧАЙИБ, ОНА ЗАМИНИМИЗ ЯШИЛ ЛИБОСГА БУРКАНИБ БОРАЁТГАН ШУ ЁРУҒ ВА МУНАВВАР КУНЛАРДА СИЗ АЗИЗЛАРНИ, СИЗЛАРНИНГ ТИМСОЛИНГИЗДА БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ЮРТИМИЗГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗИ ОЛАМ — ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН ҚАЛБИМДАН МУБОРАКБОД ЭТИШДАН БАХТИЁРМАН

Наврўз айёми барчамиз учун шарқона янги йил дебочаси, серҳосиллик ва қут-барака ғоясини ўзида мужассам этадиган, бизнинг миллий табиатимиз ва қадриятларимиздан ажратиб бўлмайдиган, ҳар қандай сиёсатдан холи, энг қадимий, энг севимли байрамимиздир.

Бундан минг йиллар аввал, кўҳна "Авесто" яратилган замонларда ҳам бизнинг аждодларимиз бу дилбар фасл кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, чексиз Туроннинг қишлоқ ва кентларида, дашту далаларда табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар, қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, тинчлик-омонлик тилаб, янги орзу-ниятлар билан яшаганлар.

Наврўзи олам том маънода ўзининг руҳи ва ғоялари билан инсоннинг доимо она ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг дини ва миллатидан қатъий назар, яшамоқ ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг яққол исботи шу кунларда юртдошларимизнинг бағрини кенг очиб, табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, таниш-билишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис этиб, барчамизнинг қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади, десам, шу муҳташам майдонда тўпланган сиз, азизларнинг фикри-зикрингизни айтган бўламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Узоқ давом этган қиш қаҳратонидан сўнг офтобнинг чароғон чеҳрасини кўриб, беғубор кўклам ҳавосидан нафас олар экан, ҳар бир одам худдики қайтадан туғилиб, ўзини, дунёни янгитдан кашф этаётгандек ҳис қилиши табиийдир.

Шу маънода, бу йилги баҳор фаслини ҳаммамиз ҳар қачонгидан ҳам соғиниб, интизорлик ва қувонч билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном олган 2012 йилда ҳам кўзланган марраларимизни албатта қўлга киритамиз, деган ишонч туғдиради.

Жорий йилда ҳам бошлаган эзгу ишларимизни, демократик ва эркинлаштириш ислоҳотларини давом эттириш, аҳолимизнинг даромади, пенсия, нафақа ва стипендияларини кўпайтириш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янги босқичга кўтаришга эришамиз, иншоолло.

Бу йилнинг юртимизга сернам келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, бўй чўзаётгани, янги мавсумга чуқур тайёргарлик кўрганимиз, насиб этса, фидойи ва заҳматкаш боботеҳқонларимизнинг орзу-умидлари албатта ушалади, ҳосилимиз мўл бўлади, деб ишонч билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди, фарзандларига атаб ниҳол экиб, боғ яратади. Бугун Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билаги кучга тўлиб, кўзлари ғайратдан ёниб турган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан voяга етаётган ёшларимизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададкор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шукуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайрихоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий тилакларимни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, бало-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

Баҳор ўзининг ҳарир либосига оҳиста ўраб, майин эпкинларда аллалаб, биз интиқ ва интизор кутган ардоқли байрамимиз Наврўзни олиб келди.

Бу айём нафақат оламга, балки руҳимизга ҳам янгиланиш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!" деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 12.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Тадбир қатнашчилари давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

2 ►►

## Масъулият ҳисси



— Юртбошимиз маърузасида XXI аср — интеллектуал тараққиёт асри экани ва бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало, ўз фаолияти ва инсонийлиги билан ҳам халқ ишончига сазовор бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор каратилди, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Мухлиса Акрамова. — Менимча, ушбу талаб биринчи навбатда биз депутатларга тааллуқлидир. Бундан тегишли хулосалар чиқаришимиз, сайловчи олдида нечоғли масъулиятли эканлигимизни чуқур ҳис этган ҳолда фаолиятимизни кескин жонлантиришимиз лозим.

3 ►►

Ислоҳот

## *Қоровулбозор мўъжизаси*

### «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЯНАДА УЛКАН НАТИЖАЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

Мустақил Ўзбекистонимизнинг 20 йиллик тарихи мамлакатимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилажак воқеаларга бой бўлди. Улардан бири — 1997 йилнинг 22 августида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилишидир. Юртбошимиз раҳнамолигида Қоровулбозорда қад ростлаган ушбу улкан саноат мажмуаси нафақат республикамиз, балки жаҳон нефть ва газ саноатининг энг замонавий ва ноёб корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг асосий фаолияти нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга йўналтирилган бўлиб, бир йилда 2,5 млн. тонна углеводород хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхона технологик жараёнларни шакллантиришда Франциянинг нефть институти, Американинг «Мерикам» ва Голландиянинг «Компримо» компаниялари лицензияларидан фойдаланиб, Франциянинг «ТЕКНИП» компанияси лойиҳаси асосида бунёд этилди. Ишлаб чиқаришнинг барча технологик тизимлари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, ишлаб чиқариш марказий операторлар томонидан бошқарилади ва назорат қилинади.

7 ►►

**БУГУНГИ СОНДА:**

## УЛУҒ ХАЛҚ ИРОДАСИ

БУНДАН 23 ЙИЛ АВВАЛ АЙТИЛГАН АНА ШУ СЎЗЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ ҲЕЧ БИРИМИЗНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАСЛИГИ КЕРАК. БУ ОНА ВАТАНИМИЗНИНГ БУГУНГИ ДОРИЛОМОН КУНЛАРИГА ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШМАСИМИЗДАН АВВАЛ ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛГАНИНИ, ЮРТБОШИМИЗ ҚАЛБИДА ХАЛҚНИНГ АСРИЙ ОРЗУСИ, АРМОН ВА ИНТИЛИШЛАРИ БЕҒУБОР КУРТАК МИСОЛИ НИШ УРГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР.

3 ►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 20 МАРТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ | 1948,84 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ | 2912,32 |
| 1 Дания кронаси | ▲ | 325,79 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 500,80 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 1839,40 |
| 1 Миср фунти | ▲ | 304,94 |
| 1 Исландия кронаси | ▲ | 14,55 |
| 1 Канада доллари | ▲ | 1855,92 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 291,10 |
| 1 Малайзия ринггити | ▼ | 602,88 |
| 1 Польша злотийси | ▼ | 587,95 |
| 1 СДР | ▼ | 2817,94 |
| 1 Туркия лираси | ▼ | 1025,82 |
| 1 Швейцария франки | ▲ | 2007,42 |
| 1 ЕВРО | ▼ | 2407,26 |
| 1 Жанубий Корея вони | ▼ | 16,37 |
| 1 Япония иенаси | ▼ | 220,39 |
| 1 Россия рубли | ▲ | 62,65 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 230,39 |

«XXI ASR»
2012 йил 23 март,
жума,
12 (436)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



**ҒИЖДУВОН, КОРОВУЛБОЗОР ВА ПЕШКУ СИНГАРИ** туманларда хорижий инвестиция иштирокида биронта корхонанинг ташкил этилмагани сармоядорлар билан ишлашда оқсоқликка йўл қўйилаётганидан далолат беради.

Депутатлик гуруҳлари

# Сессия Либерал-демократлар ташаббусини қўллаб-қувватлади

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИККИТА ДАСТУР МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, УЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ўрта махсус касб-ҳунар тизимига оид бандининг вилоятдаги ижро ҳокимият томонидан бажарилишини депутатлик назоратига олиш нақадар муҳим эканини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

— Ҳаракат дастури икки бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтилаётган дарс ва машғулотлар сифатини ошириш ҳамда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга эътибор қаратилган бўлса, иккинчи бўлимдаги чора-тадбирлар битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларнинг ўз бизнесини очишларига яқиндан ёрдам беришни назарда тутади. Шунингдек, бу борада маҳаллий ҳокимият органлари масъулиятини янада кучайтириш учун қатъий депутатлик назоратини амалга оширишни мақсад қилганмиз, — дейди O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси Мансур Зокиров. — Зеро, Сайловолди дастуримизда инсонга сармоя киритиш ҳисобидан халқ фаровонлиги ва аҳоли турмуш сифатини ошириш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ҳаракат дастури қамровини таҳлил қилар эканмиз, унинг ҳар бир бандида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар акс этганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 2011 йилда ажратилган имтиёзли кредитлардан қандай фойдаланилгани ва 2012 йилги кредит портфелини шакллантиришда ёшлар учун қандай имкониятлар яратилаётгани бўйича Марказий банкнинг Бухоро вилоят бош бошқармаси бошлиғи Б.Бердиевнинг ҳисоботини эшитиш масаласи ҳам дастурдан ўрин олган.

O`zLiDeP ташаббуси билан вилоят кенгаши сессиясида тасдиқланган яна бир ҳужжат — «2012 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастурининг бажарилиши бўйича ижроия ҳокимият вакиллари томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш»га бағишланган. Маълум бўлишича, вилоятнинг 2012 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастурига кўра, умумий қиймати 31,2 миллион долларлик 57 та лойиҳани амалга ошириш ва шунинг ҳисобидан 1090 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатларнинг ҳудудий инвестиция дастурини амалга оширишда фаол иштирок этишини таъминлаш ҳамда мутасадди идоралар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга.

— Партиядошларимиз томонидан айни шу масаланинг кун тартибига қўйилаётгани бежиз эмас, — дейди вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, Бухоро давлат университети Иқтисодиёт кафедраси мудири Ҳамро Раҳмонов. — Чунки бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Масалан, шу пайтгача Ғиждувон, Коровулбозор ва Пешку сингари туманларда хорижий инвестиция иштирокида биронта корхонанинг ташкил этилмагани сармоядорлар билан ишлашда оқсоқликка йўл қўйилаётганидан далолат беради.

Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари, вилоят кенгаши депутати Ёқуб Фаттоевнинг фикрича, O`zLiDeP томонидан ишлаб чиқилган дастур тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш, маҳаллий маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Яна бир томони — тақдим этилган ҳар икки дастурда ўзаро боғлиқлик бор. Бири — иқтисодиётга инвестиция киритиш, кичик бизнесни тараққий эттириш орқали янги иш ўринларини яратишга қаратилган бўлса, иккинчиси — замонавий касб ва билимларни эгаллаган ёшларни доимий иш билан таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этишга йўналтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгашидаги сафдошларимиз нафақат электорат, балки бутун халқимиз учун муносиб турмуш ва меҳнат шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашида атрофлича муҳокама қилинган ва бошқа партиялар вакиллари томонидан ҳам қўллаб-қувватланган ташаббуслар эса ана шундай эзгу интилишларнинг амалдаги ифодасидир.

Парламентда

# Тадбиркорлик оила мустаҳкамлиги асосидир

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИ 54 ФОИЗГА ЕТГАНИ, СОЛИҚ ЮКИНИНГ МУНТАЗАМ КАМАЯЁТГАНИ, БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҚАРИЙБ 60 ФОИЗИ ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАНИ АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ

**Ўз мухбиримиз**



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантириш — оила мустаҳкамлиги ва фаровонлиги асоси» мавзуидаги семинарда ана шу рақамлар тилга олинди.

Қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Бахтиёр Иминовнинг фикрича, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов эса мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ кичик бизнесни ривожлантириш орқали ҳар бир оиланинг моддий фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бугун ўз натижаларини бераётганини таъкидлади. Айниқса, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фармон ва қарорларда фуқароларнинг ишбилармонлик салоҳиятини намоён этиши учун қулай шароитлар яратилиши баробарида солиқ тизимида ҳам кўпгина имтиёзлар берилгани муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, даромад солиғининг 2011 йилдаги 10 фоиздан 9 фоизга туширилиши аҳоли реал даромадларининг ўсиши билан бирга ҳар бир оиланинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи 2 баробарга, хизмат кўрсатиш йўналишидаги якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган қатъий солиқ ставкалари ўртача 2 баробарга камайтирилди.

Семинарда молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев сўзга чиқиб, 1991 йилда давлат бюджети жами харажатларининг 31,5 фоизи, 2000 йилда эса 42,5 фоизи ижтимоий соҳаларга ажратилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 58,1 фоизни ташкил этаётганини таъкидлади. Ўз навбатида, ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ юки ҳам камайиб бораётир. Мисол учун, 2008 йилда бу кўрсаткич қарийб 24 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йил якунида бу рақам 21,9 фоизга туширилди. Ушбу кўрсаткич Швецияда 47,1, Италияда 43,2, Францияда 43,1, Буюк Британияда 35,7 фоиз атрофида эканини инобатга олсак, мамлакатимизда қанчалик катта ютуқларга эришилгани аён бўлади.

Юртбошимизнинг жорий йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар учун қарийб 1,5 триллион сўм ва 114 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Эътиборли томони, биргина ушбу дастур доирасида маҳаллаларда яшовчи ва шу ҳудудда маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, оёқ кийим ва маиший техника таъмирловчи усталар)ни 2012 йилнинг 1 апрелидан 3 йил муддатга солиқдан озод этиш белгиланган. Шунингдек, ёш оилалар учун мол-мулк ва ер солиғи 3 йилгача 2 баробарга камайтирилади.

Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов Ўзбекистондаги ҳар тўртинчи оиланинг ўз бизнесига эга эканини таъкидлади.

— Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 8913,5 минг нафари ёки 74,8 фоизи айнан ушбу соҳада иш билан банд экани хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий сиёсат натижасидир. Агар масалага янада чуқурроқ ёндашсак, 2011 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 8742,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2827,6 миллион АҚШ доллари миқдоридагиси экспорт қилинганини кўрамиз.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бу тармоқни янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, ўтган йили жами 22 минг нафар тадбиркор иштирокида 247 та семинар, 10 минг нафардан зиёд ишбилармон учун 76 та конференция ва давра суҳбатлари ташкил этилди. «Тадбиркорлар кунлари»да келиб тушган 26314 та мурожаатнинг 11343 таси тегишли ҳокимликлар ва ваколатли органлар ҳамкорлигида ижобий ҳал этилди.

— Ўтган йилдан бошлаб янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолияти 3 йил мобайнида режали солиқ текширувидан ўтказилмаслиги белгилаб қўйилди, — деди Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Одилхон Рустамов. — 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган тадбиркорлик субъектларининг солиқ соҳасида текширилмаслиги ҳам уларнинг янада эркин фаолият юритишларига замин яратди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги қарорига асосан «Қишлоқ қурилиш банки» кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қурувчи фуқароларнинг фоизларни қоплаш учун йўналтирилган маблағларини 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлардан озод этилиши, олий ўқув юртлари талабаларининг таълим олишга йўналтирилган маблағларидан даромад солиғининг олинмаслиги ҳам оилалар имкониятларини янада кенгайтирди, деб айтишга асослар етарли.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, пировардида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

**СЕМИНАРДА МОЛИЯ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ**
**МУБИН МИРЗАЕВ СЎЗГА ЧИҚИБ, 1991 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЖАМИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 31,5 ФОИЗИ, 2000 ЙИЛДА ЭСА 42,5 ФОИЗИ ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРГА АЖРАТИЛГАН БЎЛСА, АЙНИ ПАЙТДА БУ КЎРСАТКИЧ 58,1 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАДИ.**

«Ташаббус — 2012»

# Фарғонада кичик бизнесга катта эътибор қаратилмоқда

БУНИ НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ АРАФАСИДА ФАРҒОНА ШАҲРИДА ИШГА ТУШГАН «ЯГОНА ОЙНА» МАРКАЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ТАШАББУС-2012» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ НАТИЖАЛАРИ ҲАМ КЎРСАТДИ

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»



Фарғона вилоятида ҳам Истиқлолнинг дастлабки йилларидан шаклланган анъанага мувофиқ, Наврўз арафасида турли ижтимоий-иқтисодий объектлар фойдаланишга топширилаяпти. Минтақанинг маъмурий маркази бўлмиш Фарғона шаҳрида барпо этилган «Ягона ойна» маркази ҳам вилоят тадбиркорлари, умуман, бутун водий аҳли учун ўзига хос байрам совғаси бўлди, дейиш мумкин.

Мазкур воқеанинг яна бир эсда қоларли жиҳати — Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг вилоят босқичи илк марта ана шу марказда ўтказилди.

Шу ўринда «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичида аввалги йилларга нисбатан кўпроқ талабгорлар иштирок этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Таҳлилчилар танловнинг туман ва шаҳар босқичларида мингдан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашганини таъкидламоқдалар.

Танловнинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев иштирок этиб, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилганини, улкан ўзгаришларнинг ижобий самаралари Фарғонада ҳам ўз аксини топаётганига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов эса бутун мамлакатимизда бўлганидек, вилоятда ҳам хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидлаб, танлов қатнашчиларига муваффақият тилади.

«Ташаббус-2012» кўрик-танловининг барча иштирокчилари ўз соҳасининг устаси, ютуқ ва натижаларда бир-биридан қолишмаслиги боис улар орасидан энг муносибларини саралаш осон кечмади. Ниҳоят ҳакамлар хулосасига кўра, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» деган номга қўқонлик ишбилармон аёл — «Қўқон Асака Текстил» МЧЖ раҳбари Анжелла Захарьян сазовор бўлди. Риштонлик ҳунарманд Мирзомаскар Акромов «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» деб топилди. «Йилнинг энг яхши фермери» номига эса Тошлоқ туманидаги «Мухтора МЗХМ» фермер хўжалиги раҳбари Салимжон Қодиров лойиқ кўрилди. «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг вилоят босқичида жорий этилган қўшимча номинациялар бўйича 7 нафар энг яхши ҳунарманд, тадбиркор ва фермер аниқланиб, ташкилотчилар ва ҳомий ташкилотнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Бошқа ҳудудларга нисбатан аҳолиси зич бўлган Фарғона вилояти учун ташкил этилаётган бундай танловлар, шунингдек, «Ягона ойна» марказининг иш бошлаши катта амалий аҳамиятга эга, албатта. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу марказ тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганларнинг рўйхатдан ўтиш, ҳисоб рақами очиш ва бошқа молиявий-ҳуқуқий ҳамда маъмурий расмиятчиликлар учун сарфланувчи вақтини тенг баробарга қисқартиради. Уларнинг идорама-идора юришларига батамом чек қўяди. Қолаверса, «Ягона ойна» маркази O`zLiDeP ташаббуси билан вилоятда татбиқ этилаётган «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»да белгиланган вазифалар доирасида «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш юзасидан депутатлик ва жамоат назоратини ташкил этиш ҳақидаги Ҳаракат дастури»да кўзланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга ● «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасининг махсус иловаси

# Бошланғич партия ташкилотларида

Жума | 2012 ЙИЛ 23 МАРТ, 12 (436)-СОН | WWW.21ASR.UZ
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

Қулайлик

## ПОЕЗДЛАР ЭНДИ ТУМАНЛАРГА ҲАМ ҚАТНАЙДИ

Аҳолининг темир йўл транспорти хизматига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида олиб борилаёттан амалий ишлар барча ерда бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Яқинда «Бухоро — Хўжадавлат» йўналишида шаҳарлараро поездлар қатнови йўлга қўйилгани аҳолига яна бир қулайлик яратди. Ҳар куни - эрталаб соат 7 дан 10 дақиқа ўтганда «Тошкент — Бухоро» йўналишидаги 662-сонли поезд пойтахтдан Бухоро вокзалига етиб келгач, орадан 30 дақиқа ўтгандан сўнг, Хўжадавлат томон йўл олиб, умумий узунлиги 92 километрлик масофани босиб ўтади. Когон, Бухоро, Жондор, Қоракўл ва Олот туманларидаги бекатларда маълум муддат тўхтаб, соат 9 дан 55 дақиқа ўтганда Хўжадавлатга етиб борадиган мазкур локоматив куннинг иккинчи ярмида маҳаллий вақт билан соат 15.10 да Бухоро сари йўл олади. Поезд соат 17.30 да Когон шаҳрига етиб келади. Мамлакатимиз пойтахтига бориш истагида бўлган йўловчилар ҳам худди шу ернинг ўзида «Бухоро — Тошкент» йўналишида қатновчи поездга чиқиб олишлари мумкин.

## СИФАТЛИ ЛОК-БЎЁҚЛАР

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг барқарор ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани самарасида қишлоқ жойларда ҳам замонавий, ихчам ва истиқболли корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Наманган туманидаги Қумқўрғон қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Element Paint" масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир. Тадбиркор Акмалжон Аҳмаджонов раҳбарлик қилаётган мазкур хусусий корхонада уй-жой қурилишлари учун зарур хомашё — лок-бўёқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонага ойига 15-20 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга Хитой технологик ускуналари ўрнатилди. Ҳозир бу ерда ўн икки турдаги сифатли лок-бўёқлар тайёрланмоқда. Дастлабки 60 тонна маҳсулот мамлакатимиз истеъмолчиларига етказиб берилди. Айни пайтда корхонада автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлиги ва йўналишларни тартибга соладиган чизиқлар учун ҳар қандай ташқи таъсирларга чидамли оқ бўёқлар ишлаб чиқариш борасида изланиш олиб борилмоқда.

*ЎзА.*

Электорат

## Ғалвир сувдан кўтарилмоқда

2012 ЙИЛНИНГ 27 ФЕВРАЛИДАН БУЁН БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎТАЁТГАН ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИДА 2563 НАФАР ЕТАКЧИ ҚАЙТА САЙЛАНДИ. 409 ТА БПТДА ЭСА АЪЗОЛАР ЯНГИ ЕТАКЧИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИЛАР

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»



— Ана шу муҳим тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди Ижроия қўмита аппарати раҳбари Фурқат Ҳотамов. — Мутасаддиларимиз жойларга чиқиб, БПТ аъзоларига зарур кўмак ва маслаҳатлар беришаяпти. Партиявий-ташкилий ишлар бўлими томонидан ҳисобот-сайлов конференцияларининг бориши юзасидан доимий мониторинг йўлга қўйилган. Тадбирларнинг маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ҳам таъминланмоқда.

Таъкидлаш керакки, ушбу йиғилишларда бошланғич ташкилот раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш асосий вазифалардан биридир. Ҳар бир етакчининг ўтган йилдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, қониқарли деб топилмаган тақдирда, уни қайта сайлаш масаласи кўрилиши лозим. Зеро, илғор фикрлайдиган, ислоҳотларнинг янги босқичида фаолият олиб боришга, партия олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишга қодир бўлган кадрларгина жамиятга наф келтиради.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йиғилишларда бошланғич партия ташкилотининг 2012 йилги иш режаси билан бирга Юртбошимизнинг «2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли маърузаси асосида БПТлар зиммасидаги вазифалар ҳам кўриб чиқилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, аксарият БПТларда кенгаш тузиш, унинг аъзоларини сайлаш, баъзи жойларда эса янги талабгорларни партия сафига қабул қилиш ва туман (шаҳар) кенгашига тасдиқлаш учун юбориш масалалари ҳам алоҳида назоратга олинган.

Зеро, бошланғич ташкилотлар ҳар томонлама билимдон, сиёсий етук, янги ғоя ва таклифларга эга бўлган, тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари ва бошқа партия аъзолари манфаатларини ифодалашга қодир, обрўли ва жонкуяр шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишидан тўла манфаатдордир.

Шу маънода, ўз атрофига 173 минг 878 нафар аъзони бирлаштирган 7647 та БПТнинг фаол ва ишбилармон етакчилар билан таъминланиши келгуси ишларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

— Жорий йилнинг 28 февралидан 20 мартига қадар 2972 та БПТда (38,8 фоиз) йиғилишлар ўтказилиб, уларда жами 55938 киши иштирок этди, — дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бош консультанти Бахтиёр Аҳмедов. — Таҳлиллар энг фаол ва тезкор йиғилишлар Сирдарё (159 та — ҳудуддаги БПТларнинг 51,1 фоизида), Қорақалпоғистон Республикаси (292 та — 50,9 фоиз) ва Самарқанд вилоятида (315 та — 41,6 фоиз) ўтганини кўрсатмоқда. Умуман олганда, Республика бўйича ўтган йиғилишларда 2563 нафар БПТ раиси (33,5 фоиз) қайта, 409 нафари (5,3 фоиз) янгидан сайланди. Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари натижаси юзасидан ҳудудий кенгашлар томонидан ҳисоботлар тақдим этилаяпти. Энг қувонарлиси, ҳисобот-сайловлар партиямиз мақсад-ғояларини тарғиб этиш, янги аъзоларни жалб қилиш майдонига ҳам айланмоқда: ушбу жараён давомида 273 киши O'zLiDeP сафига қабул қилинди. БПТлар сони эса учтага ошди.

Шу ўринда тадбирлар давомида БПТ фаоллари ўртага ташлаётган таклиф ва мулоҳазалар ўрганилиб, таҳлил қилиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ҳисобот-сайлов йиғилишлари тўғрисидаги ахборотларнинг ОАВ орқали чоп этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, ушбу масъулиятли жараён ҳақида туман ва шаҳар даврий нашрларида 53 та мақола эълон қилинди.

Масъулият

## Ғоявий тарғиботдан — малакали хизматга

O'ZLIDEP БУХОРО ШАҲАР КЕНГАШИ ТАРКИБИДА 45 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ БЎЛИБ, УЛАР 1120 НАФАР АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА

**Асҳор ИСТАМОВ,**
«XXI ASR»

«Бухоро» халқаро аэропорти ҳузуридаги БПТнинг 22 нафар партия аъзоси бўлиб, унга Саодат Ғафурова етакчилик қилаяпти. Мазкур ташкилот ўтган йилларда ўз сафига ғоявий етук, тиришқоқ ва изланувчан кадрларни жалб эта олди. Табиийки, уларнинг кўпчилигини қалби завқ-шавқ ва яратувчилик ишқи билан ёнган ёшлар ташкил этади. Нодир Самадов, Умиджон Шарипов, Сухроб Салимов сингари янги авлод вакиллари ўз зиммаларидаги партиявий топшириқларни белгиланган муддатда бажаришга интилмоқдалар. Корхона ходимлари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг юқори самара билан олиб борилаётгани, жумладан, жорий этилган маънавият ва маърифат ўқувларининг талаб даражасида ташкиллаштирилаётганлиги муваффақиятлар омили бўлаяпти, десак хато қилмаймиз. Хусусан, ўтган йили партиянинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб «Ёш тадбиркорлар қонун ҳимоясида», «Конституция — бахтимиз Қомуси» мавзуларидаги қатор давра суҳбатлари ташкил этилган бўлса, айни пайтда Юртбошимизнинг «Мустақилликка эришиш остонасида» асари чуқур ўрганилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, партия аъзоларининг сиёсий фаоллиги ошгани сайин уларнинг корхона ютуқларига қўшаётган ҳиссалари ҳам ортмоқда, — деди БПТ раиси С.Ғафурова. — Изчил сиёсий фаоллик маслакдошларни кундалик ишда ҳам янги ютуқларга даъват этаяпти. Бунда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида қабул қилинган фармойишлар, тавсия ва таклифлар фаолиятимиз асоси бўлмоқда.

Бошланғич ташкилот аъзолари йил аввалидаёқ жорий йил режасини ишлаб чиқиб, шу асосида фаолият юрита бошладилар. Бунда асосий эътибор Президентимизнинг 2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» деб номланган маърузаси ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларга қаратилди.

Таянч нуқта

## Партия фаоллари ишда ҳам ўрнак

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚЎШРАБОТ ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН 35 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ОРАСИДА ТУМАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БПТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»

— Марказга аъзо бўлган 254 фермернинг 200 нафари O'zLiDeP аъзоларидир, — дейди марказ директори, БПТ раиси Ғофур Қаршиев. — Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, бошланғич ташкилот йиғилишларида фермерлар олдида турган энг долзарб вазифалар, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш ва қишлоқ мулкдорларига амалий ёрдам кўрсатиш масалалари атрофлича муҳокама қилинмоқда. Энг асосийси, шу масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, юқори партия ташкилотларига етказилаётгани фермерларга оид муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда.

Маълумки, Қўшработдаги лалми ерларда ғаллачилик, боғдорчилик ва чорвачилик ривожланган бўлса-да, кейинги йилларда паррандачилик ва балиқчиликда ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бу жараёнда партияга аъзо фермерлар фаол иштирок этмоқдалар. Биргина мисол. «Боғи Чиғатой жўжаси» фермер хўжалигига ўтган йили 500 бош жўжа келтирилиб, парваришлана бошланди. Айни кунда хўжаликда кунига 500 тага яқин тухум олиниб, тумандаги озиқ-овқат дўконлари, мактабгача таълим муассасалари ва шифохоналарга етказиб берилаяпти.

Жамоада партиявий интизомга қатъий риоя қилингани ишчи-хизматчиларнинг самарали фаолиятига ижобий таъсир ўтказаяпти. Айни пайтда БПТ фаоллари маслакдошлар сафини янада кенгайтириш ҳамда ўз ишларида сифат кўрсаткичларини яхшилаш устида ҳам ишламоқдалар.

Эълон

Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган «FARM CENTRE» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини тугатаётганини маълум қилади. Даъво ва аризалар икки ой ичида қабул қилинади.

Қутлов




«XXI ASR»
2012 йил 23 март,
жума,
12 (436)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



**КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ МУНТАЗАМ РИВОЖЛАНТИРИБ** бориш ва келажагини белгилаш бевосита мутахассис кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш ва ўқитишни ташкил қилиш корхона раҳбариятининг доимий диққат-эътиборидадир.

# Қоровулбозор мўъжизаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Зумрад АБРОРОВА,**
«XXI ASR»

Мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида салоҳиятга эга мазкур корхонада нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш эвазига автобензин, авиакеросин, дизель ёнилғиси, углеводород эритгичи, мазут, суюлтирилган газ, олтингугурт каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Кейинги йилларда улар турини янада кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва халқаро стандартларга мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурлари бўйича бир қатор модернизациялаш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, юқори октанли «Аи-91», «Аи-93», «Аи-95» русумли автобензинлар ёнилғиси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2006-2008 йилларда дизель ёнилғисини экологик жиҳатдан сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2008 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб жаҳон стандартларига мос ва совуқ ҳароратларга чидамли ёнилғиларни тайёрлаш технологиялари ўзлаштирилди.

2007-2009 йилларда «Боинг» ва «Аэробус» русумли ҳаво лайнерларига мўлжалланган «Джет А-1» русумли авиация ёнилғисини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани завод тарихидаги катта воқеалардан бири бўлди. Цехларнинг технологик инфраструктураси модернизация қилинди ва резервуарлар янги авиация ёнилғисини сақлашга мослаштирилди. Корхона марказий лабораториясида авиация ёнилғисини ASIM (АҚШ) стандартлари услубида синовдан ўтказиш учун алоҳида замонавий лаборатория жиҳозланди. Бу кўламли ишларнинг бажарилиши учун 2,5 млрд. сўм ва 135 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Замон билан ҳамнафас иш олиб бориш, жаҳондаги энг илғор тажриба ва технологияларни ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш завод раҳбарияти ва инженер-техник ходимларнинг доимий диққат-эътиборидадир. Масалан, 2009 йил август ойидан бошлаб DEF STAN 91-91 Британия ва ASTM В 1655 халқаро стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ва айрим кўрсаткичлар бўйича улардан устунроқ бўлган «Джет А-1» русумли авиация ёнилғисини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун норматив ҳужжатлар тайёрланди ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган аъло сифатли ёнилғи «Ўзбекистон ҳаво йўллари» истеъмолчиларига етказиб берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилишига биринчилардан бўлиб киришган завод мутахассислари белгиланган муддатда сифат тизимини бошқариш халқаро ISO 9001:2008, халқаро хавфсизлик ва саломатлик бўйича OHSAS 18001:1999 халқаро стандарти, аэрокосмик сериясидан сифат тизимини бошқариш талабларига жавоб берадиган AS9100b халқаро стандартлар ҳамда экология тизимини бошқариш бўйича ISO 14001:2002 стандарти жорий қилинди. Айни пайтда мажмуа 4 та халқаро стандартлар сертификатига эга бўлган Ўрта Осиёдаги ягона корхонадир.

Ана шундай амалий саъй-ҳаракатлар, тинимсиз изланишлар туфайли бугун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида республикамиз истеъмолчиларига 60 фоиздан ортиқ бензин, 35 фоиздан зиёд дизель, 26 фоизга яқин авиация ёнилғиси ва бошқа турдаги нефть маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Биргина 2011 йилнинг ўзида солиштирма нархларда 995,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2010 йилга нисбатан 102,6 фоиз ўсишга эришилди. Истеъмолчиларга 332,9 млрд. сўмлик халқ истеъмол моллари етказиб берилди ва белгиланган режа 116,1 фоизга бажарилди. Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида толлинг асосида хизматлар кўрсатилиши эвазига четдан валюта тушумига эришилмоқда.

«Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури» асосида лак-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхоналар учун зарур хомашё — углеводород эритгичи ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши ҳам корхона имкониятларини сезиларли даражада оширди.

Маълумки, корхона фаолиятини мунтазам ривожлантириб бориш ва келажагини белгилаш бевосита мутахассис кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш ва ўқитишни ташкил қилиш корхона раҳбариятининг доимий диққат-эътиборидадир.

Айни пайтда завод цехларида 3270 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Касаначилик ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, 642 нафар маҳаллий аҳоли уй меҳнати билан таъминланган.

Яна бир эътиборли жиҳат: заводда ёш кадрлар тайёрлаш масаласига ўта жиддий эътибор қаратилаяпти. Шу мақсадда Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик-техника, Тошкент кимё технологиялари институти, Тошкент давлат техника университети билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, 282 нафар талаба ишлаб чиқариш ва битирув-малакавий ишлари олди амалиётларини бевосита заводда ўтказмоқда. Бундан ташқари, Бухоро нефть ва газ саноати ҳамда Қоровулбозор саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежларининг талабалари ишлаб чиқариш амалиётларини мазкур корхонада ўтаб, дастлабки кўникмаларини шу ерда олишаяпти. Ўтган йили ушбу даргоҳларнинг 35 нафар битирувчиси 3 томонлама шартнома асосида ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланди.

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ «ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ АСОСИДА ИККИ ЙИЛ ДАВОМИДА 30 ТА ЁШ ОИЛАГА ЯНГИ ТУРАР-ЖОЙ КОТТЕДЖЛАРИ АЖРАТИЛГАНИ МАҲАЛЛИЙ ИШЧИЛАР СУЛОЛАЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИГА ПУХТА ЗАМИН ЯРАТАЁТГАН ОМИЛЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ.**





















Корхонанинг иқтисодий имкониятлари ортиб боргани сари ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш тарзини янада яхшилашга бўлган эътибор ҳам ортиб бораяпти. Ишчилар шаҳарчасида бунёд этилган, барча қулайликларга эга 700 та турар-жой коттежи, замонавий маиший ва маданий биноларда барча шарт-шароит муҳайёдир. 2011 йилда яна 35 та турар-жой коттеджлари қуриб битказилиб, корхона ишчи-хизматчиларига топширилди.

Заводда ишлаётганларнинг барчаси йилига бир, хотин-қизлар эса икки маротаба тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилаяпти. Ўтган йили мазкур тадбирлардан сўнг 246 нафар ишчи-хизматчи республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклаб қайтдилар.

Юқорида таъкидланганидек, корхонада ёш кадрларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Уларни маънавий-маърифий тарбиялаш, азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳини сингдириш, истиқлол шарофати билан яратилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш мақсадида Қарши, Хоразм, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Ёш мутахассисларни эса мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналари ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан таништириш мақсадида «Шўртан газкимё» мажмуаси, «СамАвто» ОАЖ, Олмалиқ кон-металлургия комбинати сингари корхоналарга саёҳатлар уюштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида икки йил давомида 30 та ёш оилага янги турар-жой коттеджлари ажратилгани маҳаллий ишчилар сулолаларининг юзага келишига пухта замин яратаётган омиллардан бири бўлди.

Бугун Қоровулбозор туманидаги «Нефтчи»лар шаҳарчасида бўлган одам бу ердаги шарт-шароитни кўриб ҳавас қилиши турган гап. Айниқса, «Ёшлар маркази», шаҳарча микроиқлимини юмшатиш ҳамда аҳоли дам олиши учун 110 минг куб.метр сув сиғимига эга, умумий майдони 12 гектардан иборат «Сунъий кўл», «Соғломлаштириш мажмуи», концерт майдонлари катта шаҳардагилардан сира қолишмайди.

720 ўринга мўлжалланган замонавий «Маданият саройи», Деҳқон бозори, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, спортнинг гимнастика, волейбол, баскетбол, оғир ва енгил атлетика, шарқ яккакураши турларини қамраб олган «Спорт-соғломлаштириш мажмуаси», «Ёшлар меҳмонхонаси» ҳамиша гавжум. Бундан ташқари, замон талабларига мос келадиган спорт майдони, «Ёшлар аттракцион боғи», замонавий кўп қаватли турар-жой бинолари қурилаётгани корхона келажаги янада порлоқ эканидан далолатдир.

Корхонада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам самарали ташкил этилган бўлиб, янгидан қурилган чорвачилик фермасига хориждан 1018 бош зотдор қорамол олиб келинди. Улардан соғиб олинаётган сут қайта ишланиб, завод ишчи-ходимлари ва халқимиз дастурхонига етказиб берилмоқда. 5 гектар майдондаги замонавий иссиқхонада помидор ва бодринг маҳсулотлари етиштирилаяпти. 10 гектар майдонда барпо этилган «интенсив мевали боғ»да чет элдан келтирилган 228 минг дона мева кўчатлари парваришланаяпти.

Мухтасар қилиб айтганда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Қоровулбозорнинг том маънодаги мўъжизасидир. Қумликлар бағрида қисқа муддатларда барпо этилган мўъжазгина шаҳарча, ҳақиқатан ҳам, йилдан-йилга эртаклардаги каби сеҳрли диёрга айланиб бормоқда.









«XXI ASR»
2012 йил 23 март,
жума,
12 (436)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayti: www.21asr.uz



Фахр



## «CHEVROLET MALIBU» тақдимоти

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛСОЗЛАРИ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА МУНОСИБ ТУҲФА ҲОЗИРЛАДИЛАР. ПОЙТАХТИМИЗДА 20 МАРТ КУНИ «GM UZBEKISTAN» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «CHEVROLET MALIBU» АВТОМОБИЛИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
ЎзА мухбири

Тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар, «General Motors» компанияси, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатига асос солингани ва ушбу соҳа бугунги кунда иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибида қарийб 40 компания, шу жумладан, Жанубий Корея, АҚШ, Италия, Германия, Голландия каби мамлакатлар капитали ва технологиялари иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда енгил автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Соҳа корхоналарида 16 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар нафақат мамлакатимиз, балки хориж бозорларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаб, бошқа давлатларда харидорлар ишончига сазовор бўлмоқда. Автомобилларимизнинг замонавий стандартларга жавоб бериши, қулайлиги, хавфсизлиги, ишончли ва тежамкорлиги бу муваффақиятларда муҳим омил бўлмоқда. Автомобилсозларимиз истеъмолчиларнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда автомобилларни такомиллаштириш, моделлар қаторини кенгайтириш устида мунтазам иш олиб бормоқда.

«GM Uzbekistan» қўшма корхонасида янги модель — "Chevrolet Malibu"ни ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани фикримизнинг далилидир.

Юксак ҳаракатланиш характеристикаси, замонавий хавфсизлик тизими ва бетакрор интерьери билан алоҳида ажралиб турувчи "Malibu"да янги дизайнерлик ишланмалари қўлланилган: икки секцияли Chevrolet радиатор панжаралари, кучли ксенон фаралар, шунингдек, светодиодли бежирим орқа фаралар шулар жумласидандир.

Автомобиль 2,4 литр ҳажмли, тўрт цилиндрли 169 ва 263 от кучи қувватига эга механик ва автомат узатмали двигатель билан жиҳозланган. Ушбу моделда рул бошқарувининг яхшилангани автомобилнинг ҳайдовчи ҳаракатига нисбатан тез ва аниқ реакциясини таъминлайди, изоляция қилинган олдинги рама шовқин ва вибрациянинг салонга киришига йўл қўймайди. "Malibu" кузови конструкцияси мустаҳкам ишлангани автомобилни юқори тезликда бошқаришда қўшимча қулайлик яратади.

Автомобиль янги аудио ва навигация тизимлари билан жиҳозланган. Юксак талабларга жавоб берувчи симсиз Bluetooth алоқаси hands free тизимидан смартфонлар учун фойдаланиш имконини беради. "Malibu" олтита хавфсизлик ёстиқчаси, бош ва бўйин қисмларни ҳимоя қилувчи хавфсизлик пардалари билан таъминлаган.

2012 йилнинг июнь ойидан бошлаб сотувга чиқариладиган "Chevrolet Malibu" юртдошларимизнинг яна бир севимли автомобилига айланишига шубҳа йўқ.

Сервис

## ЯНГИ МАҲАЛЛАЛАР АЁЛЛАРИ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ, замонавий уй-жойлар барпо этилаётган янги даҳаларда кир ювиш корхоналари ташкил этила бошланди. Olam.uz сайтида хабар қилинишича, аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари ҳамда болалар тарбиясига кўпроқ эътибор беришларини таъминлашга қаратилган лойиҳа учун 2 млрд. 760 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланади. Таъкидлаш жоизки, кир ювиш хизматини кўрсатувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 5 йил муддатга қатор солиқлардан озод этилиб, уларни зарур кредит маблағлари билан таъминлаш кўзда тутилган.**





## «Бунёдкор» барчани байрам билан қутлади

СЕШАНБА КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН САФАР ЎЙИНИДА «ПОХАНГ СТИЛЛЕРЗ» (ЖАНУБИЙ КОРЕЯ) ФУТБОЛ КЛУБИНИ 2:0 ҲИСОБИДА МАҒЛУБ ЭТГАН ТОШКЕНТНИНГ «БУНЁДКОР» ЖАМОАСИ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИДАГИ МАВҚЕИНИ ЯХШИЛАБ ОЛДИ

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»

— Бундай кучли жамоага қарши сафарда тўп суриш қийин, албатта. Шунга қарамай, йигитлар бехато ўйнаб, ҳақли равишда зафар қучдилар, — деди ўйиндан кейинги матбуот анжуманида «Бунёдкор» бош мураббийи Миржалол Қосимов. — Ушбу ғалабани халқимиз Наврўз байрамига совға сифатида қабул қилади, деган умиддаман.

Шу ўринда мазкур нуфузли турнирда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган бошқа икки жамоа — «Пахтакор» (Тошкент) ва «Насаф» (Қарши) ҳам ўз ҳисобларига дастлабки очколарни қўшиб қўйганларини айтиш мумкин. Жумладан, пойтахтликлар БААнинг «Банияс» клубига қарши «Жар»да ўтказилган учрашувда 1:1 ҳисобини қайд этган бўлсалар, қашқадарёлик футболчилари Теҳрондаги «Озоди» стадионига йиғилган 40 минг томошабин кўз ўнгида маҳаллий «Истиқлол» клуби билан дуранг (0:0) ўйнади.

Янгилик

## НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИГА УЙ ТЎЙЛАРИ УЛАНДИ

**Наврўз байрами арафасида Навоий шаҳрида 51 та хонадондан иборат янги уй фойдаланишга топширилди.**

**«Korean Air» авиакомпанияси томонидан хорижий сармоядорлар учун «Ханжин Навоий» номли янги даҳада 3 та замонавий уй эгаларига топширилди. Ўзига хос меъморчилик услубида бунёд этилган бино 51 та хонадондан иборат. Бундан ташқари, турар-жойда чет эллик мутахассисларнинг дам олишлари учун бизнес-марказ, фитнес-клуб, бассейн, сауна, ресторан ва бар фаолият кўрсата бошлади.**

## ЭСКИ ҲАЙВОНОТ БОҒИ ЎРНИДА — ЭКОБОҒ

**Наврўз шодиёналари арафасида Тошкентда табиат қўйнида оилавий ҳордиқ чиқаришни хуш кўрувчилар учун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан барпо этилган янги маскан — экологик боғнинг очилиши эълон қилинди.**

**Уни барпо этишда қурувчилар фақат экологик тоза қурилиш материалларидан фойдаланишган.**

**Маълумотларга кўра, «Катта шаҳарнинг янги нафаси ҳамда бутун оила учун фойдали ҳордиқ!» шиори остида бунёд этилган экобоғ Тошкентнинг эски ҳайвонот боғи ҳудудида қад ростлаган.**

Реклама







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 4169. Тираж: 20 382
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Навбатчилар:
О.РАЖАБОВ, Ш.РАҲИМОВ.